

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1235-ҳадис

1235 – وَعَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَتَفَقَّ زَوْجَيْنِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ نُودِيَ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ: يَا عَبْدَ اللَّهِ؛ هَذَا خَيْرٌ، فَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّلَاةِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّلَاةِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجِهَادِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الْجِهَادِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصِّيَامِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الرِّيَّانِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّدَقَةِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّدَقَةِ». قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: يَا أَبِي أَنْتَ وَأُمِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ! مَا عَلَيَّ مِنْ دُعَايٍ مِنْ تِلْكَ الْأَبْوَابِ مِنْ ضُرُورَةٍ، فَهَلْ يُدْعَى أَحَدٌ مِنْ تِلْكَ الْأَبْوَابِ كُلِّهَا؟ قَالَ: «نَعَمْ، وَأَرْجُو أَنْ تَكُونَ مِنْهُمْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1897، م 1027].

1235. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳнинг йўлида бир жуфт нарса нафақа қилса, унга жаннат эшикларидан: «Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшиликдир», дея нидо қилинади. Ким намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан чақирилади. Ким жиҳод аҳлидан бўлса, жиҳод эшигидан чақирилади. Ким рўза аҳлидан бўлса, Райфон эшигидан чақирилади. Ким садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан чақирилади», дедилар.

Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Ўша эшиклардан (бирортасидан) чақирилган кишига ҳеч бир зарар йўқ-ку?! Бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан ҳам чақириладими?» деди. У зот: «Ҳа. Умид қиламанки, сен ҳам ўшалардан бўласан», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: ҳадиси шарифда «Ким бир жуфт нарсани Аллоҳнинг йўлида инфоқ

қилса» дейилганидан мурод икки қўй, икки мол, икки от, икки кийим ёки шунга ўхшаш нарсалардир. Яъни, кўпроқ инфоқ қилиш маъноси олдинга сурилган. Ана шундай инфоқ қилган одамга алоҳида илтифот бўлиб, жаннатга кираётганида, жаннатнинг хизматини қилиб турувчи фаришталар ўша инфоқ қилинган нарсаларга ишора қилиб:

«Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшилик», дер эканлар. Албатта, бу илтифот жаннатга кириб кетаётган кўпчилик ичида молини инфоқ қилган киши учун улуғ мартаба бўлади.

Аллоҳ таоло фарз қилган амалларни тўлиқ адо этиб, Парвардигори оламнинг фазли-карами ила жаннатга сазовор бўлган бандалар умумий эшикдан оммавий равишда кирар эканлар. Аммо фарз амалларни кўрсатилгандек адо этиш билан бирга, уларнинг баъзи бирида алоҳида ижтиҳод қилган, нафлларини ҳам кўнгилли равишда адо этиб, маълум мартабага эришган бандалар учун алоҳида шараф эшиклари очилган бўлар экан. Улар жаннатга эҳтиром ила ўша эшиклардан киришар экан.

Жаннатга кириш бандаларнинг амалига қараб навбат билан бўлиши бошқа ҳадислардан маълум. Инсон ўзи яхши кўриб турган жойга иложи борича тезроқ кирсам дейди. Жаннатга тезроқ кириш истаги қанчалик кучли бўлишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади.

Кўпчилик навбат кутиб турган жойга алоҳида эшикдан, алоҳида ҳурмат билан кириш қанчалар завқли экани ҳам маълум. Энди ўша кўпчилик навбат кутиб турган жой жаннат эканини, алоҳида ҳурмат эшиги бу дунёда адо этилган қўшимча ибодатларга қараб бўлишини, ҳурмат-иззат эса, фаришталар томонидан кўрсатилишини бир ўйлаб кўрайлик. Бу иззатлар қанчалар ёқимли, тотли бўлишини тушуниб олиш қийин эмас!

Тасаввур қилайлик, умр бўйи жаннат орзуида ўтган, ўлганидан сўнг қиёмат қоим бўлгунча кутиб ётган одамлар жаннатнинг умумий дарвозаси олдида интиқ бўлиб навбат кутиб туришибди. Ўзларига қачон навбат келишини билмайдилар. Шунда бирдан алоҳида эшик очилиб фаришталар:

«Қани, аҳли намозлар, марҳамат! Бу намоз эшиги. Бу эшикдан ҳаёти дунёда намозни кўп ўқиш билан машҳур бўлган кишиларгина кирадилар», десалар, фарз намозларини адо этишдан ташқари нафл, таҳажжуд ва бошқа намозларни кўп ўқиб, аҳли намоз бўлиб танилган кишилар бу марҳаматдан қанчалар хурсанд бўлиб кетадилар?!

Худди шу ҳолат аҳли садақа ва аҳли рўзалар учун ҳам бўлади. Ажойиб бир ҳолат! ҳамма ўша мартабага эришишни, мазкур эҳтиром эшикларидан жаннатга киришни истайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларини эшитиб,

саҳобай киромларда катта қизиқиш пайдо бўлган. Бундоқ нарсага қизиқмай, уни орзу қилмай бўладими?! Зотан, саҳобай киромлар бунга ўхшаш ҳар бир каттаю кичик ишга маҳкам ёпишганлар. Шундай ишларнинг пешқадами бўлмиш Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху:

«Бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан чақириладими?» деб сўрайдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ҳа, умид қиламанки, сен улардан бўласан», дейдилар.

Бу муборак сўз Абу Бакр розияллоху анху учун улкан башорат бўлиб, у кишининг қанчалар фазилатли зот эканларига далолатидир.

Шу билан бирга, у сиз билан биз мўмин-мусулмонлар учун фақат фарз ибодатлари билан кифояланиб қолмай, нафл ибодатларни ҳам кўпроқ қилишимизга чорловчи ўзига хос даъватдир. Айниқса, бу ҳадисда номма-ном зикр қилинган намоз, закот ва рўза ибодатларига алоҳида эътибор беришимиз, ўша ибодатларни канда қилмай адо этадиганлардан бўлиш учун уринишимиз лозим.

Манба: hadis.islom.uz

